

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ГУЛЧЕХРА ХАКИМОВНА

**ЭКСТРЕМАЛ ШАРОИТЛАРДА МОЛЕКУЛЯР АЗОТНИ
ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЦИАНОБАКТЕРИЯЛАРНИНГ БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Кадирова Гулчехра Хакимовна

Экстремал шароитларда молекуляр азотни ўзлаштирувчи
цианобактерияларнинг биологик хусусиятлари..... 3

Кадирова Гулчехра Хакимовна

Биологические особенности азотфиксирующих цианобактерий
в экстремальных условиях..... 28

Kadirova Gulchekhra

Biological features of nitrogen fixing cyanobacteria in extreme conditions 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ГУЛЧЕХРА ХАКИМОВНА

**ЭКСТРЕМАЛ ШАРОИТЛАРДА МОЛЕКУЛЯР АЗОТНИ
ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЦИАНОБАКТЕРИЯЛАРНИНГ БИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/В9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.microbio.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гулямова Ташхан Гафуровна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Буриев Сулаймон
биология фанлари доктори

Зайнитдинова Людмила Ибрахимовна
биология фанлари доктори

Хўжамшукуров Нортожи Абдухолиқович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ботаника институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «7» март соат 10-00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 76-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71, e-mail: info@microbio.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 76-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Диссертация автореферати 2018 йил «20» феврал тарқатилди.
(2018 йил «20» феврал 16 рақамли реестр баённомаси)

Т.Ф.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

С.М.Насметова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

А.Х.Вахабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси в.б.,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда унумдор тупроқли майдонлар хажмининг йилдан-йилга қисқариб бориши қишлоқ хўжалиги амалиётига тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи арзон ҳамда қулай интенсив-биологик усулларни жорий этишни тақозо этмоқда. Бу ўринда, қимматли биологик хусусиятларни ўзида жамлаган цианобактериялар тупроқда табиий азотнинг айланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни экстремал-шўрланган шароитларда тупроқ унумдорлигини яхшилаш тадбирларига жалб этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради. Шу жиҳатдан, шўрланишга чидамли молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтезловчи цианобактерияларнинг маҳаллий штаммларини аниқлаш ва улар асосида экинлар ҳосилдорлигини оширувчи биопрепаратлар яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги интенсификацияси турли микроорганизмлар асосида экстремал шароитларда ҳам тупроқ унумдорлигини оширувчи ва экинлар ҳосилдорлигини яхшиловчи инновацион-самарадор усулларни яратишга қаратилган. Сўнгги йиллардаги инновация тадқиқотлари шўрланишга чидамли, азотфиксацияловчи, фитогормонлар ишлаб чиқарувчи, тупроқ пестицидларини деструкцияловчи цианобактерияларни аниқлаш, самарали штаммларини танлаб олиш ва улар асосида биопрепаратлар яратишни заруриятини белгилаб бермоқда. Цианобактерияларни экстремал шароитлар, хусусан пестицидларнинг юқори концентрациялари, ўта шўрланган шароитларда ҳам молекуляр азотни ўзлаштириш, фитогормонлар синтезлаш ва тупроқ биоремедиациясининг самарадор амалга ошириш хусусиятлари цианобактерияларни фаол штаммларини ажратиб олиш ва биологик хусусиятларини аниқлашни талаб этади. Шунга кўра, кўпфункционал хусусиятларга эга бўлган, молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг маҳаллий штаммларини ажратиб олиш, экстремал шароитларда тупроқнинг биологик қайта тикланишидаги ўрнини баҳолаш ва тупроқ унумдорлигини оширишда цианобактерияларни қўллашнинг самарасини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун, жумладан, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва экинлардан олинадиган ҳосил ҳажми ҳамда сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, молекуляр азотни ўзлаштирувчи ризобактериялар, фосфор-мобилловчи бактериялар ва эркин ҳолда яшовчи кўк-яшил сувўтлари асосида тупроқнинг кимёвий таркибини яхшиловчи, ўсимлик ўсиши ва ривожланишини стимулловчи ҳамда экинлар ҳосилдорлигини оширувчи экологик тоза биопрепаратлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Шу билан бирга, шўрланган тупроқларнинг агрокимёвий таркибини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва шўрланган тупроқларда экинлардан юқори ҳосил олиш учун экстремал шароитларда молекуляр азотни ўзлаштирувчи маҳаллий

цианобактерияларнинг биологик хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни кенг жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, цианобактериялар маҳаллий штаммларининг тоза культураларини ажратиб олиш, уларнинг шўрланишга чидамлилигини аниқлаш, шўрланиш ва оғир металлар билан ифлосланган шароитларда цианобактерияларнинг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини баҳолаш ва улар асосида биопрепаратлар яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27-майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи². Молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг экстремал шароитлардаги хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Marine Science (АҚШ), Center for Environmental Biotechnology, University of Tennessee (АҚШ), University of Rostock (Германия), Institute of Chemistry (Бельгия), Centre for Sustainable Resource Science (Япония), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил), Indian Agricultural Research Institute (Хиндистон), Фундаментал биология муаммолари институти (Россия), Москва давлат университети (Россия), Микробиология ва вирусология институти (Украина), ТИВ Микробиология ва вирусология институти (Қозоғистон), Микробиология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doclad.ru>, <http://www.dissercat.com>, <http://www.fundamental-research.ru>, www.iari.res.in, <http://www.riken.jp/en/researchs>, <http://www.webofscience.com>, <http://www.marine.auckland> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг экстремал шароитларда биологик хусусиятларини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пестицидларнинг юқори концентрациялари билан ифлосланган тупроқларнинг цианобактериялар билан биоремедиациясининг самарадор тизими ишлаб чиқилган (Center for Environmental Biotechnology, University of Tennessee, АҚШ); экстремал шароитларда тупроқларнинг унумдорлиги ва ўсимликлар ҳосилдорлиги цианобактериялар фаолияти натижасида оширилган (Indian Agricultural Research Institute, Хиндистон); цианобактерияларнинг шўрланиш стрессига акклиматизация механизмлари аниқланган (University of Rostock, Германия); цианобактерияларни ўстириш шароитлари оптималлаштирилган ва уларнинг экологик стрессларга мослашиш молекуляр механизмлари асосланган (Centre for Sustainable Resource Science, Япония).

Дунё амалиётида кимёвий ўғитларга муқобил биопрепаратлар ишлаб чиқиш ва олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва ўсимликларнинг ўсишини стимуляцияловчи цианобактерияларнинг фаол штаммларини ажратиб олиш, уларнинг экстремал температура, шўрланиш, муҳит рН нинг юқори ва паст кўрсаткичларига чидамли турларини аниқлаш, оғир металллар ва пестицидлар билан ифлосланиш шароитларига юқори толерантликга эга бўлган цианобактериялар асосидаги экологик тоза органик биопрепаратлари яратиш, фаол цианобактериялар асосида фитогормонлар ажратиб олиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли таксономик гуруҳларга мансуб бўлган цианобактерияларни ажратиб олиш ва идентификация қилиш [В.А. Whitton, 2012; Z. Shariatmadari et al., 2013; W. Zhang et al., 2014; Komárek, 2016; M. Albrecht et al., 2017], цианобактериялар асосида яратилган биопрепаратларнинг шоли ва буғдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш [М.А. Кучкарова, 1980, P. Irisarri et al., 2007; N. Karthikeyan et al., 2009; S. Nayak et al., 2012; R. Prasanna et al., 2013; R.N. Padhy et al., 2016] бўйича маълумотлар мавжуд. Гетероцистли ва гетероцистлари бўлмаган цианобактерияларнинг молекуляр азотни ўзлаштириш қобилияти уларнинг асосий критерийси ҳисобланади, шу сабабли улар юқори ўсимликларни табиий азот билан таъминлайди ва тупроқни биологик азот билан бойитади [Е.М. Панкратова, 2006; R. Haselkorn, 2007; I. Luque and K. Forchhammer, 2008; H.S. Dey et al., 2010; H. Singh et al., 2013; F.M. Ghazal et al. 2013; A.A. Issa, 2014; J.S. Singh et al., 2016; J.Y. Shen et al., 2017].

Бундан ташқари, цианобактерияларнинг биологик фаол моддалар жумладан, органик кислоталар, фитогормонлар, полисахаридлар, ферментлар, витаминлар ва бошқ. синтез қилиши аниқланмоқда [Prasanna et al., 2010; N.S. Yokoya et al., 2010; P. Varalakshmi and P. Malliga, 2012; W.A. Stirk et al., 2013, 2014; F. Rossi and R. De Philippis, 2015; E. Žižková et al., 2017].

Цианобактериялар атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларга (пестицидлар, нефт маҳсулотлари, оғир металллар) нисбатан юқори чидамлиликга эга [G. Forlani et al., 2008; A.A. Жубанова, 2013; H. Zhang et al., 2015; V. Kumar et al., 2016; S.J. Singh et al., 2016].

Шуни таъкидлаш лозимки, цианобактерияларнинг турли экологик стрессларга адаптацияси тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан осмопротектантларнинг синтез бўлиши ҳақида жуда кам маълумотлар мавжуд [M. Hagemann, 2013; L. Chen et al., 2014; N. Pade and M. Hagemann, 2015; N.M. Ghalab et al., 2016]. Молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг шўрланиш шароитида ғўза ўсимлигининг ҳосилдорлигига таъсири, ҳамда тузли стресс шароитларида хлорорганик бирикмаларнинг деструкцияси ва фитогормонлар синтез қилиши ҳақидаги маълумотлар деярли йўқ. Шунга кўра, Ўзбекистонда экстремал – шўрланиш, пестицидлар билан ифлосланиш шароитларда фаол цианобактерияларни ажратиб олиш, маҳаллий штаммларни ўстириш шароитларини оптимизациялаш, цианобактерияларнинг шўрланишга чидамлилигини, баъзи бир осморегуляция хусусиятларини аниқлаш ва улар асосида биопрепарат яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 5-Ф «Экологик тоза бактериологик ўғит олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг (ғўза, буғдой, соя ва б.) илдиз тизимидан ажратиб олинган молекуляр азотни ўзлаштирувчи бактерияларнинг молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш» (2000-2002), №11 904 «Молекуляр азотни фаол ўзлаштирувчи ва шўрланишга чидамли микроорганизмлар ёрдамида арид тупроқларнинг реструктуризацияси ва тупроқ унумдорлигини ошириш асослари» (2004-2005), А-7-064 «Шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган тупроқларда қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш учун азотни фаол ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтезловчи цианобактериялар асосида биопрепарат яратиш» (2006-2008), ФА-Ф6-Т328 «Биодизель олиш учун Ўзбекистоннинг юқори маҳсулдор липид ҳосил қилувчи микросувўтлари ва цианобактерияларини излаб топиш ва уларда ёғ биосинтези регуляцияси» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экстремал шароитларда кўпфункционал хусусиятларга эга бўлган молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактериялар маҳаллий штаммларининг тупроқни биологик қайта тикланишида ва унумдорлигини оширишда қўллаш истиқболини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

цианобактериялар маҳаллий штаммларининг алгологик ва бактериологик тоза культураларини ажратиб олиш ва морфологик-културал ва 16S рРНК гени асосида уларнинг таксономик статусини аниқлаш, цианобактериялар маҳаллий штаммларини ўстириш шароитларини

оптимизациялаш;

цианобактерияларнинг шўрланишга чидамлилигини, осморегуляциянинг баъзи хусусиятларини, ҳамда шўрланиш шароитларида альдегидоксидаза (АО; ЕС 1.2.3.1) ва ксантиндегидрогеназа (КДГ; ЕС 1.2.1. 37) ферментларини тадқиқ этиш;

шўрланиш ва оғир металллар билан ифлосланган шароитларда цианобактерияларнинг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини аниқлаш, микровегетацион ва вегетацион тажрибаларда «цианобактерия-ўсимлик» ассоциациясини тахлил этиш;

шўрланиш шароитларида маҳаллий молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг фитостимуляцияловчи хусусиятларини, ҳамда ИСК синтезининг регуляциясини аниқлаш;

шўрланиш шароитларида маҳаллий молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг полихлорланган бифениллар ва γ -гексохлорциклогексаннинг деструкциялашини тадқиқот этиш;

молекуляр азотни фаол ўзлаштирувчи ва шўрланишга чидамли цианобактериялар асосидаги биопрепаратнинг лаборатория регламентини яратиш;

биопрепаратнинг ғўза ўсимлигига таъсирини ўрганиш учун саноат-дала тажрибаларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти тупроқ, ғўза ва буғдой ўсимликлари ризосферасидан ажратиб олинган цианобактерияларнинг маҳаллий штамлари, полихлорланган бифениллар (ПХБ) ва γ -гексохлорциклогексан (ГХЦГ, линдан), ғўзанинг «Бухоро-6» нави ва буғдойнинг «Унумдор буғдой» нави уруғлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистоннинг шўрланиш ва пестицидлар билан ифлосланган тупроқ шароитларида молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтез қилувчи цианобактерияларнинг биологик хусусиятлари; туз стрессига цианобактерия штамларининг осмопротектантлар ва фитогормонлар синтез қилиши туфайли адаптацияланишининг баъзи бир механизмлари; шўрланган шароитларда цианобактерияларнинг хлорорганик пестицидларни деструкциялаш фаоллиги; молекуляр азотни ўзлаштирувчи цианобактерияларнинг қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда микробиологик, биотехнологик, биокимёвий, молекуляр-генетик, филогенетик, агрокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонлари тупроқ ва ғўза, буғдой ризосфераси намуналаридан ажратилган цианобактерияларнинг кўп функционал хусусиятларга эга эканлиги аниқланиб, морфологик-културал ва молекуляр-генетик хусусиятлари асосида цианобактериялар маҳаллий штамларининг - *Nostoc puriniforme* 20, *Nostoc linckia* 4, *Nostoc calcicola* 25, *Nostoc muscorum*

14, *Anabaena variabilis* 18, *Anabaena variabilis* 21, *Gloeothece rupestris* 15, *Synechococcus cedrorum* 12 турларга мансублиги идентификацияланган;

биринчи марта цианобактерияларнинг маҳаллий штаммлари NaCl нинг юқори концентрацияларида (800 мМ) ўсиши, ривожланиши ва молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини намоён қилиши асосланган;

шўрланишга чидамли фаол штаммларнинг тупроқга интродукцияланиши натижасида гумус, умумий азот, калий, аммиакли азот миқдорининг ошиши, умумий фосфор миқдорининг эса назоратга нисбатан камайиши аниқланган;

илк бор цианобактериялар хужайраларида тузли стрессга жавобан глицин ва пролин миқдорининг кескин ошиши ҳамда альдегидоксидаза ва ксантиндегидрогеназа ферментларининг битта формаси мавжудлиги исботланган;

цианобактериялар културал суюқлигининг ғўза уруғларини униб чиқиш энергияси, унувчанлиги ва ўсиш қувватини ҳамда буғдой пояси ва илдизини стимуляция қилиши аниқланган;

шўрланиш шароитида озика мухитининг таркибида L-триптофан мавжудлигидан қатъий назар цианобактерияларнинг индоллил-3-сирка кислотасини (ИСК) синтезлаши асосланган;

илк бор шўрланиш шароитида цианобактериялар маҳаллий штаммлари ва уларнинг ассоциацияси лндан ва полихлорланган бифенилларни стабил ва юқори суръатда деструкция қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтез қилувчи цианобактерияларнинг маҳаллий штаммлари *N. puriniforme* 20, *N. linckia* 4, *N. calcicola* 25, *N. muscorum* 14, *A. variabilis* 18, *A. variabilis* 21, *Gl. rupestris* 15, *S. cedrorum* 12 коллекцияси яратилган;

қишлоқ хўжалиги ўсимликлари поясининг ўсиши ва илдиз системасининг ривожланишини стимуляциялашда цианобактериялар маҳаллий штаммларини қўллаш имконияти асосланган;

цианобактериялар асосида “CYANO-UZ” биопрепарати лаборатория регламенти яратилган ва бунда биопрепаратнинг иқтисодий қулай ҳамда агроиқтисодий самарадор тури – микросувўтларининг суспензияси эканлиги аниқланган;

ғўза ўсимлигининг уруғларига ишлов бериш учун молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтез қилувчи цианобактерияларнинг маҳаллий штаммлари суспензиялари асосидаги биопрепаратнинг қўлланилиши натижасида хосилдорлик назорат вариантларга нисбатан ўртача хисобда 4 % ошиши аниқланган;

шўрланишга чидамли маҳаллий цианобактериялар асосидаги экологик безарар янги биопрепаратларни ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштириш агробιοтехнологиясида истиқболли йўналиш эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг

ишончилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик, биокимёвий, физикавий ва молекуляр-генетик усуллари орқали олинганлиги ва уларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларга Стьюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонлари тупроқ намуналаридан ва ғўза, буғдой ўсимлигининг ризосферасидан молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтез қилувчи цианобактериялар маҳаллий штамmlарининг ажратиб олинганлиги ва идентификация қилинганлиги; натрий хлориднинг турли концентрацияларига цианобактерияларнинг чидамлилиги аниқланганлиги, молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини намоён қилганлиги; култураларнинг индоллил-3-сирка кислотасини (ИСК) синтез қилганлиги, цианобактериялар хужайраларида шўрланиш стрессга жавобан глицин ва пролин микдорининг кескин ошганлиги; шўрланиш шароитида цианобактериялар маҳаллий штамmlари ва уларнинг ассоциацияси лндан ва полихлорланган бифенилларни стабил ва юқори суръатда деструкция қилиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти цианобактериялар асосидаги экологик тоза ва иқтисодий самарадор “CYANO-UZ” биопрепаратини яратиш, уларни экстремал шароитларда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг маҳсулдорлигини оширишда қўллаш ҳамда биопрепаратнинг тупроқни «биологик азот» билан бойитиши ва пестицидларни деструкция қилишига ҳизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарадор цианобактериялар *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 асосида экстремал шароитларда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини стимуляцияловчи биопрепарат олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган тупроқлардан ажратиб олинган цианобактерияларнинг молекуляр азотни ўзлаштирувчи фаол маҳаллий штамmlари М/Узб-КНР-03/15 “Диазотроф ризобактерияларнинг биомолекулаларини (поли-β-гидроксибутират ва экзополисахаридлар) қўллаш асосида ғўза ва буғдой ўсимликларининг шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамлилигини ошириш” мавзусидаги лойиҳада қишлоқ хўжалиги экинларини стресс шароитларга чидамлилигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги ФТА-03-11/1294-сон маълумот-номаси). Натижада стресс шароитларда цианобактерияларнинг фаол маҳаллий штамmlаридан экзополисахаридлар продуценти сифатида

фойдаланиш ғўза ва буғдойнинг шўрланиш ва курғоқчиликка чидамлилигини ошириш имконини берган;

шўрланишга чидамли фаол цианобактериялар асосида яратилган “CYANO-UZ” биопрепарати Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари пахта ва буғдой майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 7 декабрдаги 02/23-1266-сон маълумотномаси). Натижада ғўза ҳосилининг назорат вариантыга нисбатан гектарига ўртача 4,2 %, буғдой ҳосилдорлиги 4% га ошириш имконини берган;

“CYANO-UZ” биопрепарати Қашқадарё вилоятининг ўртача шўрланган фермер хўжаликлари далаларига тупроқнинг молекуляр азотни ўзлаштириш потенциални ошириш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 7 декабрдаги 02/23-1266-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ таркибидаги биологик азот миқдорини 38% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республикада 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Цианобактериялар шўрланиш шароитларида - молекуляр азотни ўзлаштирувчи, физиологик фаол моддалар синтез қилувчи ва мураккаб органик бирикмаларни деструкцияловчилар**» деб номланган биринчи бобида атроф-муҳитнинг экстремал шароитларида цианобактерияларнинг мавжудлиги, ривожланиши ва тарқалиши бўйича маълумотларнинг замонавий ҳолати кенг таҳлил қилинган. Ҳозирги кунда

турғун кишлоқ хўжалигини юритиш учун агробιοтехнология соҳасида молекуляр азотни ўзлаштирувчи ва фитогормонлар синтезловчи самарадор тупроқ цианобактериялари асосидаги биопрепаратларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларнинг материал ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг услублари тавсифланган, ишда фойдаланилган микроорганизмлар, асбоблар, ускуналар, таҳлилнинг биологик ва физик-кимёвий услублари келтирилган.

Диссертациянинг «Цианобактерияларнинг маҳаллий штаммларини ажратиш ва идентификациялаш» деб номланган учинчи бобида шўрланган тупроқларнинг баъзи хусусиятларини ўрганиш, цианобактерияларнинг маҳаллий штаммларини ажратиб олиш ва уларнинг идентификацияси ва ўстириш шароитларининг оптимизацияси бўйича натижалар келтирилган.

Цианобактерияларнинг маҳаллий штаммлари Ўзбекистоннинг Наманган, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари тупроқ намуналаридан ва шу регионларда ўсаётган ғўза ва буғдой ўсимлигининг ризосферасидан ажратиб олинди. Тадқиқ этилаётган тупроқлар мос равишда кам (0,15-0,3), ўртача (0,6-1,2 %) ва кучли шўрланган (1,2 % дан юқори) тупроқлар эканлиги классификацияланди. Кам шўрланган тупроқларнинг молекуляр азотни ўзлаштириш потенциал фаоллигининг максимал (658-855 C_2H_4 мкмоль/кг тупроқ/соат) бўлиши аниқланди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида йиғма културалар намуналаридан 25 та алгологик ва бактериологик (аксеник) тоза цианобактерия штаммлари танлаб олинди. Юқори биомасса ҳосил қилувчи самарадор цианобактерия штаммларининг молекуляр азотни ўзлаштириши фаоллиги анча юқори бўлиши аниқланди, яъни 55,4 дан 81,8 нмоль C_2H_4 нмоль флакон/соат гача. Шундай қилиб, биомасса ҳосил қилиши ва молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигига кўра 8 та юқори самарадор цианобактерия штаммлари танлаб олинди.

Танлаб олинган sp.4, sp.14, sp.20 ва sp.25 цианобактерия штаммларининг морфологик-културал хусусиятларини ўрганиш натижасида, ушбу штаммларнинг *Hormogoniophyceae* синфига, *Nostocales* Elenk., тартибига, *Nostocaceae* оиласига ва *Nostoc* авлодига мансуб эканлиги аниқланди. Ёруғлик микроскопи ёрдамида *Nostoc* sp.4, *Nostoc* sp.14, *Nostoc* sp.20 ва *Nostoc* sp.25 штаммлари колониялари яхши шаклланганлигини, ипсимон эканлиги, шилимшиқ юмшоқ кобиқ билан қопланганлиги, кўк-яшил рангда бўлиши аниқланди.

Морфологик-културал хусусиятларига кўра *Nostoc* sp.4 штаммининг *N.linckia* 4 (Born.et. Flah.) турига мансуб эканлиги тасдиқланди (1а расм). *N.linckia* 4 трихомалари кучли буралган, оч кўк-яшил рангли, эни 3,5-4 мкм, гетероцисталари шарсимон, диаметри 5-6 мкм. Спораларининг эни 6-7 мкм ва узунлиги 7-8 мкм. *Nostoc* sp.14 штамми *N. muscorum* 14 (Ag.) турига киради (1б-расм). Трихомаларининг эни 3-4 мкм, гетероцисталари деярли шарсимон-овал, диаметри - 6-7 мкм. Спораларининг эни 4-7 мкм ва узунлиги

8-12 мкм. *Nostoc* sp. 25 штаммининг морфологик-културал хусусиятлари ушбу штаммининг *N. calcicola* 25 (Vreb). турига мансуб эканлигини кўрсатди (1в-расм). *N. calcicola* 25 трихомаларининг эни 3-4 мкм, гетероцисталари шарсимон-овал, диаметри 6-7 мкм. Спораларининг эни эса 4-7 мкм ва узунлиги 8-12 мкм. *Nostoc* sp.20 штамми трихомаларининг эни 4-6 мкм, гетероцисталари шарсимон, диаметри 6-7 мкм, спораларининг эни 9-10 мкм. Морфологик-културал хусусиятларига асосан *Nostoc* sp.20 штамми *N. puriniforme* 20 (Ag.) турига мансубдир (1г-расм).


Морфологик-културал хусусиятларига кўра sp.18 ва sp.21 штаммлари *Anabaenaceae* оиласига, *Anabaena* авлодига мансуб эканлигини кўрсатди. *Anabaena* sp.18 ва *Anabaena* sp.21 штаммлари морфологик-културал хусусиятларига кўра *Anabaena variabilis* 18 (Kütz.) ва *Anabaena variabilis* 21 (Kütz.) турларига мансублиги аниқланди (1д,е-расм). *A. variabilis* 21 културасининг трихомаларининг эни - 5-6 мкм, узунлиги 3-6 мкм, гетероцисталари 6 дан 8 мкм эканлиги аниқланди. Спораларининг эни 8-9 мкм ва узунлиги 8-14 мкм (1е-расм).

Тадқиқот маълумотларига асосан sp.12 штамми *Chroococcophyceae* синфига, *Chroococcales* тартибига, *Synechococcaceae* оиласига ва *Synechococcus* авлодига мансуб эканлиги аниқланди. *S. cedrorum* 12 хужайралари эллипсоид шаклда, эни 3-4 мкм, узунлиги 5-10 мкм, биттадан ёки иккитадан, оч кўк- яшил рангда (1з-расм). Тадқиқотлар натижаларида sp.15 штаммининг *Gloeothese* авлоди вакили эканлиги аниқланди. *Gloeothese* sp.15 колониялари 4-8 та, камдан кам ҳолларда якка хужайралардан ташкил топган. Хужайралари асосан эллипсоидсимон, узунлиги 5-9 мкм, сиртки пардаси билан эни 8-15 мкм (1ж-расм).

Самарадор *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 маҳаллий штаммларининг таксономик статусини тасдиқлаш учун 16S рПНК гени асосида идентификация қилинди. *Anabaena variabilis* 21 штаммининг BLAST қиёсий таҳлили (Gene Bank), тадқиқот этилаётган 16S рПНК гени нуклеотидлар кетма-кетлигининг аниқ бўлган *Anabaena variabilis* (EF488831.1) штамми билан гомологияси 99% ни ташкил этди. Шу қаторда, *Anabaena variabilis* 21 штаммининг бошқа *Anabaena* турига мансуб бўлган штаммларга нисбатан гомологияси 93 дан 98% гача ташкил этади. *Nostoc calcicola* 25 штамми нуклеотидлар кетма-кетлигининг BLAST таҳлили *Nostoc calcicola* (AM711529) културасининг 16 S рПНК гени нуклеотидлар кетма-кетлиги билан юқори гомологияда (99%), *Nostoc calcicola* (HM 573461) културасига нисбатан нуклеотидлар кетма-кетлигининг гомологияси эса 98% ни ташкил этиши аниқланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг шўрланган ва пестицидлар билан ифлосланган суғориладиган тупроқлари цианобактерия штаммларининг мавжудлиги бўйича тадқиқот этилди, ушбу тупроқларда: *Nostoc*, *Anabaena*, *Gloeothese*, *Synechococcus* авлодларига мансуб бўлган вакиллари ажратилди ва идентификацияси амалга оширилди.

Цианобактерияларнинг маҳаллий штаммлари 28°C температура, рН 7,5




1-расм. Цианобактериялар хужайраларининг микроскопик кўриниши: а - *N.linckia* 4, б - *N.muscorum* 14, в - *N.calcicola* 25, г – *N.pruniforme* 20, д - *A.variabilis* 18, е - *A.variabilis* 21, з - *S. cedrorum* 12, ж - *Gl. rupestris* 15 (1-гетероцистлар, 2-акинеталар)

кўрсаткичида, 2500 - 3500 лк ёруғликда ва CO₂ нинг 2% концентрацияларида максимал биомасса ҳосил қилиши кўрсатилди.

Диссертациянинг «Шўрланиш стрессда цианобактериялар маҳаллий штаммларининг скрининги» деб номланган тўртинчи бобида шўрланиш шароитларида цианобактерияларнинг шўрланишга чидамлилиги, ва ушбу шароитларда шўрланишга чидамликнинг баъзи бир механизмлари: осмопротектантлар, АО ва КДГ синтез қилиши бўйича натижалар келтирилган.

Озиқа муҳити таркибида NaCl нинг 100 дан 800 мМ гача концентрациялари бўлган шароитларда *N. linkia* 4, *N.muscorum* 14, *N. pruniforme* 20, *N. calcicola* 25, *A. variabilis* 21, *Gl. rupestris* 15 ва *S. cedrorum* 12 штаммларини ўстириш, ушбу штаммларнинг натрий хлориднинг 800 мМ гача концентрацияларига деярли чидамли эканлигини кўрсатди (2-расм). Шунини қайд қилмоқ лозимки, *N.calcicola* 25 ва *A.variabilis* 21 култураларининг титри NaCl нинг 200 мМ гача концентрациясида деярли назорат варианты



даражасида қолади. *N. calcicola* 25 NaCl нинг 100 дан 500 мМ гача концентрацияларида кўп биомасса ҳосил қилади. Тузлар миқдорининг кўп бўлиши тупроқ ҳосилдорлигига, шу жумладан, гумус ҳосил бўлишига ва микроорганизмлар томонидан табиий азотнинг тўпланишига салбий таъсир кўрсатади. Бизнинг тадқиқотларимизда, яъни *N. calcicola* 25 фаол штаммининг тупроқга интродукцияланиши натижасида гумус миқдори 0,38% га, умумий азот -0,8% га, аммиакли азот – 0,003 мг/кг тупроқга, умумий калий – 0,1 мг/кг тупроқга ошиши, умумий фосфорнинг миқдори эса 0,02 мг/кг тупроқга камайиши аниқланди. Олинган натижалар сараланган цианобактерияларнинг маҳаллий штаммларини шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини ошириш учун қўллаш истиқболи имкониятларини тасдиқлайди

Цианобактерияларнинг шўрланишга нисбатан чидамлилигининг физиологик механизмларидан бири, уларда осмопротектантлар сифатида баъзи бир аминокислоталарнинг тўпланиши билан боғлиқдир. *A. variabilis* 21 културасининг эркин аминокислоталари миқдorigа NaCl нинг 100 дан 300

мМ гача концентрациялари таъсири тадқиқ этилди. Шунинг қайд қилиш зарурки, натрий хлорид концентрациясининг 100 дан 300 мМ гача ортишида глицин и пролин миқдори кескин кўпаяди. Шу ўринда, NaCl нинг 100, 200 ва 300 мМ да глицин и пролиннинг миқдори мос равишда 121,8%; 230,9% ; 316,4% ва 157,1%; 312,2%; 428,6 % га ошди.


Кейинги тадқиқотларда туз стрессиди (300 мМ NaCl) *A. variabilis* 21 ва *N. calcicola* 25 цианобактерияларининг АО ва КДГ ферментлари ўрганилди. *N. calcicola* 25 хужайраларида АО нинг фақат битта формаси борлиги, шу қаторда АО фаоллиги ўстириш шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда қуйи бўлиши аниқланди. КДГ ни ўрганиш *A. variabilis* 21 хужайраларида, ҳамда *N. calcicola* 25 хужайраларида ҳам битта формаси борлиги аниқланди. Зимограммада КДГ фаоллигининг бўялиш интенсивлиги АО нинг фаоллигига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. КДГ фаоллиги NaCl нинг 300 мМ концентрациясида ўстирилган цианобактерия култураларида туз кўшилмаган муҳитда ўстирилган култураларга нисбатан юқори бўлди.

Диссертациянинг «**Цианобактериялар маҳаллий штаммларининг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллиги**» деб номланган бешинчи бобида цианобактерияларнинг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигига туз стрессининг, оғир металлларнинг таъсири, ҳамда «цианобактерия-ўсимлик» ассоциациясининг азотфиксация қилиш фаоллиги ўрганилган.

Цианобактериялар маҳаллий штаммларининг бошланғич молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллиги 3180 дан 4100 гача C_2H_2 нмоль/флакон/сутка ни ташкил этади. NaCl нинг 200 мМ гача шўрланиши култураларнинг азотфиксациялаш фаоллигига деярли таъсир этмаслиги, NaCl нинг 300 мМ концентрациясида эса *A. variabilis* 21, *N. calcicola* 25, *N. pruniforme* 20 ва *Gl. rupestris* 15 култураларининг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллиги мос равишда 1,5%, 2,0%, 5,7% ва 3,4 % га камайиши аниқланди. Олинган тадқиқот натижалари шунинг кўрсатадики, ўстириш муҳитидаги NaCl концентрациясининг 800 мМ гача ошиши, умуман олганда *A. variabilis* 21 ва *N. calcicola* 25 нинг азотфиксацияловчи фаоллигини мос равишда 51,3% ва 56,0% га камайишига олиб келади (3-расм). Шундай қилиб, цианобактериялар маҳаллий штаммлари натрий хлориднинг юқори концентрацияларига (800 мМ гача) сезиларли чидамлик қобилятига эгадир.


Cu^{+2} ва Co^{+2} оғир металлларнинг шўрланишга чидамли цианобактерияларни молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигига таъсирини ўрганиш давомида, Cu^{+2} нинг 10 ва 30 мМ концентрацияларида *A. variabilis* 21 молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини култураларнинг бошланғич фаоллигига нисбатан мос равишда 90 % ва 80% ни ташкил этади. Шўрланишга чидамли *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 цианобактерияларининг азотфиксациялаш фаоллиги Co^{+2} нинг 10 ва 30 мМ концентрацияларида бошланғич фаоллигига нисбатан мос равишда 96%, 92,0% ва 82,5%, 69,0% ни ташкил этди. Олинган тадқиқот натижалари цианобактерияларнинг юқори мослашув потенциалига эга эканлигидан

далолат беради, ҳамда уларни оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг биоремедиациясида қўллаш самарасини кўрсатади.



3-расм. Шўрланиш шароитида цианобактерияларнинг ацетилен-редуктаза фаоллиги (АРФ)

Стерил тупроқда NaCl нинг 200 мМ фонида ўтказилган микровегетацион тажрибаларда буғдой ўсимлигини *N. calcicola 25*, *A. variabilis 21* ва *Gl. rupestris 15* штаммлари билан инокуляциялаш натижасида «цианобактерия – ўсимлик» ассоциациясининг молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллиги мос равишда 3600, 3380 ва 3150 C₂H₂ нмоль /флаккон/сутка ни ташкил этди (4-расм), ушбу кўрсаткичларларнинг деярли назорат вариантларидаги даражада қолиши кузатилди. Эҳтимол, цианобактерияларнинг мўътадил шўрланиш (NaCl нинг 200 мМ гачаконцентрацияси) шароитида молекуляр азотни ўзлаштириш фаоллигини сақлаб қолиши уларнинг адаптацион жавобларидан бири бўлиши мумкин.



4-расм. NaCl нинг 200 мМ концентрацияларида ўтказилган микровегетацион тажрибаларда «цианобактерия + ўсимлик» ассоциациясининг азотфиксация фаоллиги

Стерил ва стерилланмаган тупроқларда NaCl нинг турли концентрацияларида ўтказилган вегетацион тажрибаларда цианобактерияларнинг бугдой ўсимлигининг «Унумдор бугдой» навини ўсиши, ривожланишига таъсирини ўрганиш натижасида, NaCl нинг 50-200 мМ концентрациялари ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини назорат вариантларга нисбатан (NaCl ва цианобактериялар қўшилмаган) стимуляциялаши аниқланди. Бугдойни NaCl нинг 50 мМ концентрациясида *N. calcicola* 25, *A. variabilis* 21 ва *Gl.rupestris* 15 инокуляциялаш, стерил ва стерилланмаган вариантларда бугдой биомассасини 8,8% дан 11,1 % га оширди (5-расм). Умуман олганда, ўсимликларни NaCl нинг 100 мМ фониди (бугдойнинг шўрланишига нисбатан шартли чегараси 85-100 мМ NaCl) стерил



1 2 3 4 5 6

5-расм. NaCl нинг 50 мМ фониди стерил тупроқларда ўтказилган микровегетацион тажрибаларда цианобактерияларнинг бугдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсири: 1 - назорат (50 мМ NaCl), 2 - назорат (NaCl солинмаган), 3 - *Nostoc pruniforme* 20 + NaCl 50 мМ, 4 - *Gloeothece rupestris* 15 + NaCl 50 мМ, 5 - *Nostoc calcicola* 25 + NaCl 50 мМ, 6 - *Anabaena variabilis* 21 + NaCl 50 мМ

шароитларда ўстириш ўсимликлар биомассасининг бир оз камайишига олиб келади. Стерил ва стерилланмаган тупроқда NaCl нинг 100 мМ фониди *N. calcicola* 25 билан инокуляцияланган бугдой ўсимлигининг биомассаси, цианобактериялар билан инокуляцияланмаган ва NaCl қўшилмаган даражада қолди. Ўсимликларни шўрланишнинг 150 ва 200 мМ фониди ўстирилиши бугдой ўсимлиги биомассасининг 10% дан 22% гача камайишига олиб келди.

Диссертациянинг «Шўрланишга чидамли ва азотфиксацияловчи цианобактерия маҳаллий штамmlарининг фитогормонлар синтез қилиш фаоллиги» деб номланган олтинчи бобида шўрланиш шароитида цианобактерияларнинг фитостимуляциялаш хусусиятлари келтирилган. Шўрланишга чидамли цианобактериялар штамmlарининг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини фитостимуляциялаш хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, културал суюқликнинг 1:10 000 суюлтирилиши алоҳида олинган ғўза ўсимлиги уруғпалласининг вазнини 29–36% га стимуляциялай-


ди, 1:10 нисбатда суюлтирилиши эса 12-20% сусайтиради. Вегетацион тажрибаларда цианобактериялар културал суюқлигининг кичик концентрациялари, яъни 1:1000 суюлтирилиш даражаси назоратга нисбатан буғдой илдиз тизимини ва ер устки органларини мос равишда тахминан 3,0 ва 4,5 см га стимуляция қилди. *N.pruniforme* 20, *N.calcicola* 25, *A.variabilis* 21 ва *Gl.rupestris* 15 штаммларининг културал суюқлиги поя ва илдизнинг узунлигини мос равишда 22,7% ва 25%, 31,7% ва 36%, 22,1% ва 17,1%, 28,7% ва 32,8 % га кучайтирди. Шу билан бир қаторда *N.pruniforme* 20; *N.calcicola* 25; *A.variabilis* 21 ва *Gl. rupestris* 15 самарадор штаммларининг културал суюқлигини 1:10000 суюлтирилиши ғўза уруғларининг униб чиқиш энергиясини, унувчанлигини ва ўсиш қувватини 20% дан 50% гача кучайтириши аниқланди.

Демак, тадқиқотлар давомида ўрганилаётган цианобактериялар штаммларининг ғўза уруғининг униб чиқишини, буғдой ўсимлигининг илдиз тизими ва ер устки органларини стимуляция қилиши кўрсатилди.

Цианобактерияларнинг индоллил-3-сирка кислотасини (ИСК) синтезлаш даражасини ўрганиш, триптофаннинг турли 1, 3, ва 5 мг/мл концентрацияларида олиб борилди. Фаол цианобактериялар *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 штаммларини триптофан қўшилмаган озика мухитида 3 кун давомида (лаг фаза) ўстирилганда ИСК синтези мос равишда 10,20 ва 7,40 мг/л ни, 7 кун давомида эса - 19,0 ва 13,65 мг/л ни ташкил этди. *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 штаммларини триптофаннинг 1; 3 ва 5 мг/мл концентрацияларида 7 кун давомида (лог фаза) ўстирилганда ИСК синтези мос равишда 50,45; 97,5; 210 ва 30,45; 66,45; 110 мг/л кўрсаткичларига мос келди. Ўстириш озика мухитига триптофаннинг 5 мг/мл миқдорда қўшилиши *N. calcicola* 25 културасининг ИСК синтез қилишининг 11 мартага кучайиши кўрсатилди. Цианобактерияларни кейинги 14 кун давомида ўстириш (стационар фаза), умуман олганда, ИСК синтезини кучайишига олиб келади. *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 анча юқори ауксин синтез қилувчи фаолликга эга штаммлар эканлиги асосланди.

Тузли стресс шароитларида цианобактерияларнинг физиологик ҳолатларини аниқлаш учун NaCl нинг 300 мМ шўрланиш ва триптофаннинг турли концентрацияларини (0,5 мг/мл дан 2,5 гача) тутган озика мухитларида *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 штаммларининг ИСК синтез қилиш фаоллиги ўрганилди (6-расм а,б). *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 штаммларининг ИСК синтез қилиши туз қўшилганда ўстиришнинг 9 куни триптофаннинг концентрацияларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кучайди (6-расм). *N. calcicola* 25 ва *A. variabilis* 21 ларнинг максимал ИСК синтез қилиши ўстиришнинг 14чи куни кузатилди. *N. calcicola* 25 културасини триптофан 0,5 мг/мл ва 2,5 мг/мл бўлганда ИСК синтези мос равишда 26,6 ва 48,6 мг/л ни ташкил этади (6б-расм). Шунини таъкидлаш зарурки, *N. calcicola* 25 културасини триптофаннинг 2,5 мг/мл ва NaCl нинг 300 мМ шароитида 14 кун давомида ўстирилганда ИСК синтези назоратга нисбатан 3,3 марта кўп бўлди.

Ишнинг «Цианобактерия штамлари ёрдамида хлорорганик пестицидларнинг деградацияси» деб номланган еттинчи бобида цианобактерияларнинг полихлорланган бифениллар ва линданга нисбатан деструкция фаоллигини ўрганиш бўйича натижалар келтирилган.



6-расм. *Anabaena variabilis* 21 (а) ва *Nostoc calcicola* 25 (б) култураларининг муҳит таркибида триптофаннинг турли концентрациялари ва NaCl нинг 300 мМ бўлган шароитида ИСК синтез қилиши

Шўрланишга чидамли цианобактерияларнинг ПХБ ни углерод ва энергиянинг ягона манбаи сифатида фойдаланиши қобилияти бўйича скрининги ўтказилди. Цианобактерияларни 12 сут давомида ўстирилган културалар экстарктида ва супернатантда тритий билан нишонланган ПХБ нинг деструкцияси ва тритийнинг қолдиқ миқдори аниқланди. Тадқиқ эталаётган деярли барча штамларнинг ПХБ ни деструкциялаш фаоллигига эга эканлиги кузатилди. *N. pruniforme* 20, *A. variabilis* 21 ва *Gl. rupestris* 15 ларда ПХБ нинг қолдиқ радиофаоллиги назоратга нисбатан мос равишда 49,91%, 47,36% ва 51,19% ни ташкил этди. Демак, *N. pruniforme* 20, *A. variabilis* 21 ва *Gl. rupestris* 15 културалари ПХБ ни 48,81% дан 52,64% гача деструкциялайди (1- жадвал).

1- жадвал

Тритий билан нишонланган ПХБ нинг цианобактериялар ёрдамида деструкцияси

№	Културалар	Цианобактерия, радиофаоллик (100 мкл), имп/10 сек	Супернатант, радиофаоллик (100 мкл), имп/10 сек	Ялпи радиофаоллик (100 мкл), имп/10 сек
